

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 541-ҳадис

541 - *Абу Абдурахмон Авф ибн Молик Ашжаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Тўққиз ё саккиз ёки етти киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. У зот: **«Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?»** дедилар. Биз яқиндагина байъат қилгандик. Шу боис: «Сизга байъат қилганмизку, эй Аллоҳнинг Расули!» дедик. У зот яна: **«Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?»** дедилар. Биз: «Сизга байъат қилганмизку, эй Аллоҳнинг Расули! Хўп, нимага байъат қилайлик? Қайси нарсага байъат қиламиз?», дедик. У зот: **«Аллоҳга ибодат қилиш, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик, беш маҳал намоз ўқиш, итоат қилишга ва - яширин бир гапни пичирладилар - одамлардан ҳеч нарса сўрамасликка»**, дедилар.

1. Абу Абдурахмон Авф ибн Молик Ашжаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Тўққиз ё саккиз ёки етти киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. У зот: **«Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?»** дедилар. Биз яқиндагина байъат қилгандик. Шу боис: «Сизга байъат қилганмизку, эй Аллоҳнинг Расули!» дедик. У зот яна: **«Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?»** дедилар. Биз: «Сизга байъат қилганмизку, эй Аллоҳнинг Расули! Хўп, нимага байъат қилайлик? Қайси нарсага байъат қиламиз?», дедик. У зот: **«Аллоҳга ибодат қилиш, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик, беш маҳал намоз ўқиш, итоат қилишга ва - яширин бир гапни пичирладилар - одамлардан ҳеч нарса сўрамасликка»**, дедилар.

Дарҳақиқат, ана ўшаларнинг баъзилари қамчиси тушиб кетса ҳам, бирор кишидан уни узатиб юборишни сўрамаганини кўрганман».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



